

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# САХОВАТЛИ УМР СОҲИБИ

*(Жума Намозовнинг 100 йиллик таваллудининг ёрқин  
хотирасига бағишланган хотиранома ва илмий анжуман  
тўплами)*

Бухорой шариф - 2022



## ФИДОИЙ ИНСОН

Сойиб РАУПОВ

*Бухоро давлат университети «Юриспруденция ва ижтимоий – сиёсий фанлар» кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.*

*Бу гулшан ичра йўқтур баҳо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.*

*(А.Навоий)*

Инсон ҳаёти ҳамма вақт жамият билан узвий боғланган ҳолда кечади, инсон ундан ажралиб яшаши мумкин эмас. Инсонлар жамиятда ўзларининг меҳнатсеварлиги, касб-хунар эгаллини билан ажралиб туради.

Инсон бутун куч-қуввати, умрини бахш этиб меҳнат қилаётган касб – бу унинг қисмати. Қисматдан нолиш ноўрин, аксинча, киши ўзининг ҳалол меҳнати, саъй - ҳаракатлари билан умр дафттарини безаб боради.

Ибн Умар (р.а.) Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳ таоло ҳар бир касби бўлган кишини яхши кўради, ўзи соғ-саломат бўлиб, ё охиратнинг иши билан, ё дунё иши билан шуғулланмайдиган кишини ёмон кўради”.

Бу каби ўғитларга ёшлиқдан амал қилган, бирор касбни эгаллаган, жамиятда ўз меҳнати билан эъзозланган, ўзгалар юкини енгил қилган минглаб юртдошларимиз билан кўнгиллар таскин топади.

Инсон асрлар давомида мукамал бахтга интилиб яшайди. Бу йўлда не-не машаққатларга дуч келади, йиқилади, туради. Тусиқлар, муаммолар қийнаган пайтда чекинмай, ўзипинг тоғдек саботини намоён этади. Чексиз, хадсиз орзулар. умидлар уммонида сузади. ишонч аталмиш ҳаёт куёшидан куч олиб. яна ва яна бахт қасрини бунёд этишга киришади. Шундай инсонлар меҳнатда, санъатда, ижодда, ёшлар тарбиясида катта ютуқларни қўлга киритади, эл-юрт хурматини қозонади. Ана шундай замондошларимиз ҳақида гап кетганда беихтиёр ўзининг ҳалол меҳнати билан элда обрў топган, Ватанимизнинг юксак мукофотларига эришган инсон, профессор Жума Намозович Намозов эсга тушади. Улар ҳақида тасаввурга эга бўлиш уларнинг ҳаёт сабоқларидан нималарнидир ўрганиш ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Проф. Ж.Намозов 1922 йилда Қизилтепа туманининг Оксоч қишлоғида туғилган. У киши Жума кунда туғилган бўлса керакки, қадим-қадимдан сақланиб қолган исм қўйишнинг турли расм-русум, удумларига таяниб у кишига Жума деб исм қўйганлар. Чунки боланинг соғ бўлиши, яшаб кетиши келгуси бахти унга қўйиладиган исм билан боғлиқ бўлади, деб ҳисобланган. Кишига муваффақиятли танланган исм унинг тақдири, ҳаётига катта таъсир кўрсатади, исм одамнинг руҳиятини ўзида мужассам қилади, киши ўз исмига ўхшайди, деб ишонишган. «Жума» сўзи, арабча сўз бўлиб жамланган маъносини англатади. Чунки бу кунда мусулмонлар жамланиб, Жума намозини ўқийдилар.

46

Дарҳақиқат, проф. Ж.Намозов ҳам исмига монанд равишда бир умр ҳамлавларни ўз атрофида жамлади, уларга бош бўлди, эзгу ишлар сари бўлди. Унинг ҳаёт йўлида ўрганса арзийдиган, ёшларга ўрнак қилиб кўрсатса бўладиган жуда кўплаб сифатлар бор. Уларни санаб, адо этиб бўлмайди.

Жумладан, Жума Намозов рус ва ўзбек тилларини мукаммал билган ва кучли нотик бўлган. Ҳар икки тилда омма диққатини жалб қилувчи маърузалар ва чиқишлар қилган. Унинг бу сифатлари 2 жаҳон урушининг дастлабки кунларидан орудия командири лавозимида ишлаган ёш йигитни тез орада дивизия комсорги, кейинчалик дивизия сиёсий бўлими агитатори лавозимига тайинланишига асос бўлган. У умрининг охиригача ўзининг эҳтиқлиги билан тингловчиларни ҳурматига сазовор бўлиб келганлигини барча замондошлари яхши билишади.

Жума Намозовнинг ташкилотчилик, бошқарувчанлик ва етакчилик сифатларини алоҳида қайд этиш лозим. Унинг таржимаи ҳолига назар ташласангиз, 2 жаҳон уруши фронтларидан ярадор бўлиб қайтгач (1945 й.), жуда ёшлигидан партия совет ишларида ишлаб, катта ташкилотларга раҳбарлик қилиб, раҳбарлик салоҳиятини намон қилганлигининг гувоҳи бўласиз. Масалан, 1950 й. июнь ойида Олий партия мактабини тугатиб келгач, 28 ёшли йигитга, вилоят касаба уюшмалари раиси лавозими ишониб топширилади. Бу лавозимда ўз ташкилотчилик ва етакчилик сифатларини кўрсатган Жума Намозов тез орада Ромитан район партия комитетининг биринчи котиби (1951 й. январь, 29 ёш), Бухоро область партия комитетининг котиби (1953 й. август, 31 ёш), Бухоро вилоят ижриоя комитетининг раиси (1957 й. декабрь, 35 ёш) лавозимларига тайинланган.

Ж.Намозовнинг ташкилотчилик, бошқарувчанлик ва етакчилик сифатлари айниқса Бухор давлат педагогика институтида (ҳозирги БухДУ) директорлик қилган йилларда (1961 – 1977 й.) ёрқин намоён бўлди. У институтда таълим-тарбия жараёнларини янги сифат даражасига кўтариш билан бир қаторда, институт моддий-техника базасини бойитишга катта эътибор қаратди. Ҳаммага маълумки, Шўро ҳокимияти ҳукумронлиги йилларида барча ишлар, шу жумладан қурилиш ишлари ҳам марказдан – Москвадан туриб ҳал қилинар эди. Ана шундай шароитда Ж. Намозов Педагогика институт янги биносини қуриш учун Москвадан рухсат ва маблағ олишга эришди. Бу бино комплекс бўлиб, у ўқув биноси, кутубхона, фаоллар йиғингоҳи, 6 та бинодан иборат талабалар турар жойи, ошхона, спорт зали ва майдонидан иборат.

Ж.Намозовнинг бевосита раҳбарлиги ва ташкилотчилиги остида Марказий Осиёда ягона бўлган бу комплекс ўтган асрнинг 70 инчи йиллари бошида қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди ва ҳозирда талабаларга беминнат хизмат қилмоқда.

Айтишларича, Ж.Намозов институтда ректор бўлиб ишлаган вақтларда эрталаб тонг саҳарда уйқудан туриб, ишни институт ҳудудини айланишдан бошлаган. Унинг бу одатидан хабардор институтнинг бошқа раҳбарлари ҳам институтга вақтли келишган ва уларга ҳудуд тозаллиги, ободонлаштириш

ишлари тўғрисида тегишли топшириқлар берилгач, иш вақти бошлангунча Ж.Намозов уйга бориб, нонушта қилиб келган.

Ж.Намозовнинг тициб - тинчимас рахбар эканлигини талабалик пайтимизда мен ҳам сезганиман. Чунки Ж.Намозов кечқуришлари тез - тез талабалар турар жойига келиб, талабалар ахволидан хабардор бўлиб турар эди. У киши талабалар турар жойига келганда у кишининг ёнида факультет ва институт рахбарияти бирга бўлар эди. Бундай пайтларда талабалар тартиб ва тозаликга тўла риоя қилишга ҳаракат қилар эдилар.

Оила - Ватан ичра бир мўъжаз Ватан эканлигини тўғри англаган Ж.Намозов оила мустақкамлигига, бола тарбияси ва шарқона оилавий муносабатларни асраб авайлашга жуда катта эътибор қаратди. У киши турмуш ўртоклари билан бирга 4 нафар қиз ва 1 нафар ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. Уларни эл ишига ярайдиган турли соҳа вакиллари қилиб тарбияладикки, улар ҳозир турли соҳаларда меҳнат қилиб, эл ардоғида бўлиб келмоқдалар.

Ж.Намозов ака - укалар, сингиллар, уларнинг фарзандлари тақдирига ҳам бефарқ бўлмаган. У кишининг 1 нафар акалари (бу акалари - Шойим ака аслида амакиларининг ўғли бўлиб, отаси вафотидан кейин амакиси Намоз бобонинг кўлида тарбия топган, Намоз бобонинг вафотидан кейин оиладаги катта фарзанд сифатида укаларига ғамхўрлик қилган), 2 нафар сингиллари ва 2 нафар укалари бўлган. Сингиллар ва укалари, ҳатто уларнинг фарзандлари ҳаётда ўз ўринларини топишида Ж.Намозовнинг хизматлари катта бўлган.

Умуман олганда, шоир айтганидек:

Кимки юрти учун фидойи бўлса,

Уни улуғлайди кекса-ю ёши.

Дарҳақиқат, ўзи туғилиб ўсган заминни кадрлаган, унинг равнаки йўлида хизмат қилишни бурч деб билган Ж.Намозовни қанчалик улуғласак арзийди. Бу кишига ўхшаган инсонларнинг серкирра фаолиятини ўрганиш ва тарғиб қилиш ёш авлодни меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилади.